

**Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларни ўтказиш,
шунингдек валюта ўтказмаларини амалга ошириш
ШАРТЛАРИ**

Ушбу Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларни ўтказиш, шунингдек валюта ўтказмаларини амалга ошириш Шартлари (кейинги ўринларда – Шартлар) ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш бўйича Шартнома доирасида Банк Мижозга чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш бўйича банк хизматларни курсатади. Мижоз томонидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича Буюртмалар тақдим этиш Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш Қоидаларига ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Мижоз хорижий валютани сотиш учун Буюртманомага асосан (ушбу Шартнома 10-иловасининг 5-Жадвали) ва харид қилиш учун буюртманомага (ушбу Шартнома 10-иловасининг 6-Жадвали) асосан битим тузмасдан Банк ва Мижоз ўртасидаги масофадан хизмат кўрсатиш тизими (МХКТ) орқали амалга оширилади. Мижоз чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун Банкка МХКТ орқали урнатилган тартибда тақдим этган Буюртмада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

- Мижоз номи;
- валюта тури ва суммаси;
- сотиб олиш ёки сотиш курси (хорижий валютани сотиб олиш максимал курси ва сотиш минимал курси).

Чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этиладиган Буюртмаларда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади:

- чет эл валютасини сотиб олиш мақсади;
- валюта операцияларини асословчи ҳужжатлар.

Мижоз томонидан Банкка тақдим қилинган Буюртмада қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик Мижоз зиммасига юклатилади.

Чет эл валютасидаги кредит ва лизингларга хизмат кўрсатиш, хорижий инвесторлар фойдаси, дивиденд ва бошқа даромадларни репатриация қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиб олишда, Банк ушбу операцияларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда Мижоз Банкнинг талабига кўра қўшимча ҳужжатларни Банкка тақдим қилиши мажбурдир.

Мижоз томонидан хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операциялари, масофадан хизмат кўрсатиш тизими (МХКТ) орқали хорижий валютани сотиш/харид қилиш Буюртманомасига биноан операция ўтказиладиган санада валюта биржасидаги савдоларда:

- АҚШ доллари бўйича ҳар кунлик сотиш ва сотиб олиш Ўзбекистон республика валюта биржасининг ўртача тортилган кросс-курсга нисбатан белгиланади;
- бошқа чет эл валюталарида бўйича ҳар кунлик сотиш ва сотиб олиш Thomson Reuters (ёки Bloomberg) агентлигининг сотув котировкаларининг кросс-курсларидан орқали топилган курсига нисбатан амалга оширилади.

Банк томонидан сотиб олинган чет эл валютасини кирим қилиш учун Мижоз номига махсус ҳисобварақлар очилади. Махсус валюта ҳисобварағига ушбу ҳисобварақдан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам кирим қилинади.

Махсус валюта ҳисобварақларига киритилган маблағлар қатъий равишда Мижоз Буюртмаларида кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

Валюта маблағлари Мижоз томонидан сотиб олиниб, Мижознинг махсус валюта ҳисобварағига киритилган вақтдан эътиборан етти банк иш куни мобайнида фойдаланилмаган

валюта маблағлари, ушбу муддат тугагандан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда Банкка қайта сотилиши шарт.

Махсус валюта ҳисобварағидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам уч банк иш куни мобайнида тижорат банкларига қайта сотилиши ёки буюртмада кўрсатилган мақсадлар учун такроран ўтказиб берилиши лозим. Бунда, чет эл валютасининг қайта сотилиши сотув кундаги талаб ва таклиф асосида шаклланадиган бозор курсида акцептсиз равишда амалга оширилади.

Буюртмалар бўйича Банк ва Мижоз ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.

Банк регламентига кўра, банк-корреспондентлар ўртасидаги хорижий валютадаги муддатли ўтказмалар, аккредитивлар бўйича тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳар қандай хорижий валютада Ўзбекистон Республикаси банкларининг фойдасига ижро учун жорий сана билан соат 12:00 гача қабул қилинади.

Банк регламентига кўра, банк-корреспондентлар ўртасидаги CHF – швейцария франклари, GBP – англия фунт стерлинглари, RUB – россия рубллари, JPY – япония йеналари, USD – АҚШ долларларидаги ва бошқа валюталардаги хорижий валютадаги муддатли ўтказмалар, аккредитивлар бўйича тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоблар европа, россия ва осие банкларига ижро учун жорий сана билан соат 12:00 гача қабул қилинади.

Банк регламентига кўра, банк-корреспондентлар ўртасидаги EUR – евродаги хорижий валютадаги муддатли ўтказмалар, аккредитивлар бўйича тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоблар европа банклари фойдасига ижро учун жорий сана билан соат 13:00 гача қабул қилинади.

Банк регламентига кўра, банк-корреспондентлар ўртасида JPY – япон йеналаридаги хорижий валютадаги муддатли ўтказмалар, аккредитивлар бўйича тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ижро учун валюталаш санасидан бир кун аввал ижрога қабул қилинади.

Кўрсатиб ўтилган вақтдан кейин тақдим қилинган банк-корреспондентлар ўртасидаги хорижий валютадаги муддатли ўтказмалар, аккредитивлар бўйича тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоблар кейинги иш кунда ижро этилади.

Хорижий валютадаги оддий ўтказмаларни ўтказиш бўйича топшириқномалар ижро учун валюталаш тахмин қилинаётган кунгача 2 (икки) кундан кечиктирмасдан қабул қилинади.

Хорижий валютадаги ўтказмаларни ўтказиш бўйича MT 103 SWIFT форматининг 56 – бандида банк-корреспондент номи ва SWIFT коди мижоз ва унинг хорижий ҳамкори ўртасида тузилган ташқи савдо шартномасининг реквизитларига асосан мижоз томонидан тўлдирилади.

Агарда, ташқи савдо шартномасининг реквизитларида, чет эл валютасидаги тўлов топшириқномасида ёхуд масофавий банк ўтказмасининг 56-бандида банк-корреспондент тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, “Гарант банк” АЖнинг вакиллик банкларидан бири банкнинг масъул ходимлари томонидан танланади.

Бундай операциялар бажарилишида, Жаҳон буйлаб санкциялар руйхатига киритилган мамлакатлар, ташкилотлар, вакиллик банклари, бенефициар банклари ва жисмонинг шахслар билан боғлиқ операциялар амалга оширилишида, барча таваккалчилик ва масъулият банк мижозига тегишли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш Қоидаларига навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши билан комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси юқоридаги қоида бўйича ўзгарган ҳисобланади ва валюта операциялари ушбу қоидага киритилган ўзгаришлар бўйича амалга оширилади.

Банк регламентига кўра, мижоз томонидан хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операциялари жорий сана билан соат 16:00 га қадар амалга оширилади.

Қаноатлантириш тўғрисида хулоса тасдиқланган буюртмалар бўйича тижорат банки ва мижозлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади. Белгиланган вақтда ҳисоб-китоблар якунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади.